

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА БОШҚАРИШДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

Саидов Машъал Самадович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети, докторанти
и.ф.н., доцент
E-mail: shoh_1993_rux@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада республикадаги электр энергиясини ишлаб чиқариш тармоғида олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари, тармоқда сақланиб қолаётган муаммолар, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш жараёнидаги табиий монопол ҳолатлар, электр энергетика соҳасини тартибга солиш ва бошқаришдаги муаммолар ўрганилиб, уларни бартараф этиш йўллари ва усуллари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: электр энергетика, электр энергиясини ишлаб чиқариш, табиий монопол ҳолат, рақобат муҳити, иссиқлик электр станцияси, гидроэлектрстанцияси, нефть маҳсулотлари, кўмир, шамол ва сувдан электр энергиясини ишлаб чиқариш, муқобил энергия манбалари, техник ва технологик жараёнлар, тармоқ қорхоналари, энергия сарфи.

Аннотация. В этой статье рассматриваются текущие реформы в электроэнергетическом секторе страны и их результаты, остающиеся проблемы в сети, естественные монополии в производстве и передаче электроэнергии, проблемы в регулировании и управлении электроэнергетическим сектором, а также предлагаются пути и средства, для их преодоления, даны рекомендации.

Ключевые слова: электроэнергия, производство электроэнергии, естественная монополия, конкурентная среда, тепловая электростанция, гидроэлектростанция, нефтепродукты, уголь, ветровая и гидроэнергетика, альтернативные источники энергии, технико-технологические процессы, сетевые предприятия, стоимость энергии.

Abstract. This article examines the ongoing reforms in the electricity sector in the country and their results, the remaining problems in the network, natural monopolies in the production and transmission of electricity, problems in the regulation and management of the electricity sector, and offers ways and means to overcome them. recommendations are given.

Key words: electricity, electricity generation, natural monopoly, competitive environment, thermal power plant, hydroelectric power plant, oil products, coal, wind and water power generation, alternative energy sources, technical and technological processes, network enterprises, energy cost.

Кириш

Мамлакат иқтисодиётини ривожланиши албатта электр энергетика ресурсларига боғлиқ. Ҳар қандай иқтисодиёти ривожланган давлат мустақил электр энергетика ресурсларига ҳамда замонавий ва инновацион технологияларга эга бўлсагина иқтисодиётда ўсиш динамикасини сақлаб қолади.

Иқтисодиёти ривожланган жумладан, АҚШ, Европа давлатлари, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Сингапур ва Малайзия каби давлатларга эътибор қаратадиган бўлсак, уларда замонавий инновацион технологияларга асосланган электр энергиясини ишлаб чиқариш тармоғи мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин.

Иқтисодиётнинг реал секторида, яъни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоғида энергия сарфи ҳажмини камайтириш, электр энергетика сиёсатининг асосий вазифаси ҳисобланади. Мазкур вазифанинг бажарилмаслиги энергетика соҳасининг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муқаррар равишда тўсқинлик қилишига олиб келади.

Ҳар қандай иқтисодиётда электр энергиясига ўсиб бораётган талабни рақобатбардош нархларда қондириш ва юқори самарали энергия ишлаб чиқариш технологияларига асосланган янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, шу билан бир қаторда мавжуд бўлган электр станцияларни модернизация қилиш ва реконструкция қилиш, электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш, қайта тикланадиган (қўёш ва шамол) энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш билан электр энергетика ресурсларини диверсификация қилиш орқали юқори иқтисодий самандорликка эришилади.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ республикамизнинг энергетика сиёсати мамлакат энергетика хавфсизлигини таъминлаш ҳамда миллий энергетика имкониятларидан жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини ҳал этиш учун фойдаланишга қаратиб келинмоқда. Шу билан бир қаторда сўнгги йилларда мамлакатни энергия билан таъминлашнинг барча асосий энергия манбаларини қазиб олиш ва ишлаб чиқаришни оқилона бирлаштиришни назарда тутувчи стратегиялар ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти - Олий Мажлисдаги **Мурожаатномасида** “Энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун мамлакатимиз энергетика тизимини ислоҳ қилишимиз, бу борада аниқ стратегия ишлаб чиқишимиз лозим. Аввало, самарасиз ва зарар билан ишлайдиган корхоналарни хусусийлаштириш, монополияни тугатиш керак. Шунингдек, электр энергияси етказиб беришда рақобат муҳитини шакллантириш ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантириш зарур. Бунинг учун хусусий секторни кенг жалб этган ҳолда, ишлаб чиқаришни молиялаштириш бўйича бозор механизмларига ўтиш талаб этилади” [1].

Мавзунинг долзарблиги ҳозирги кунда республика электр энегетика тармоғи миллий иқтисодиётнинг асосий тармоғи эканлиги, электр энегетика тармоғини замонавий бошқариш ва тартибга солишнинг назарий асослари етарли даражада илмий асосланмаганлиги; электр энегетика тармоғида табиий монопол ҳолатларнинг мавжудлиги (электр энергиясини ишлаб чиқариш ва етқашиб бериш) сабабли рақобат муҳитининг йўқлиги; электр энегетика тармоғида малакали кадрларнинг етишмаслиги; электр энергиясини ишлаб чиқариш тармоғида замонавий инновацион технологиялардан фойдаланиш даражасини пастлиги; республика иқтисодиёти самарадорлигини оширишда электр энергетика тармоғининг таъсир салмоғи юқориги эканлиги, бу тармоғда рақобат муҳитини шакллантириш ва тартибга солишнинг замонавий бошқарув ва бозор механизмлари орқали асослашнинг муҳимлиги билан белгиланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Электр энергетика тармоғидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни етакчи мутахассис, олим ва тадқиқотчилар томонидан хорижий мамлакатлар тажрибаси, атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришлари натижасида юзага келиши мумкин бўлган экологик

ва иқтисодий зарарлар, дунё бўйича энергетика ресурслари ва қазилма бойликларни нотекис тақсимланганлик ҳолатларини илмий жиҳатдан ўрганиб, уларни бартараф этиш борасида кенг кўламдаги тадқиқот ишларини амалга ошириб келишмоқда.

Республикамиз электр энергетика тармоғини ривожлантириш борасида мухтарам Президентимиз томонидан бир қанча Фармон ва қарорларни қабул қилиниши соҳада кўплаб ижобий ўзгаришларга олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида хусусан, янги электр энергия ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш, паст кучланишли электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини янгилаш асосида аҳолини электр энергияси ҳамда бошқа ёқилғи-энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш, шунингдек, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан вазифалар белгиланган[2]. Иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш, инвестициявий жозибадорлик ва ишбилармонлик фаоллигини ошириш, ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтиришга қаратилган кенг кўламдаги ислохотлар амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5646-сонли “Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармони қабул қилинди [3]. Ушбу Фармонга кўра Энергетика вазирлиги ташкил этилди ва қўйидагилар энергетика тармоғини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди:

биринчидан, мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиёт соҳалари ва аҳолининг энергия ресурсларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондиришга қаратилган ягона энергетика сиёсатини юритиш;

иккинчидан, энергетика соҳасида давлат томонидан тартибга солиш ҳамда хўжалик фаолияти функцияларини аниқ чегаралаш, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштириш, тариф сиёсатини амалга оширишнинг аниқ бозор механизмларини ишлаб чиқиш ва шу асосда соғлом рақобат муҳити тамойилларини илгари суриш;

учинчидан, инфратузилма объектларини қуришга, шунингдек тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга инвестицияларни, аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш учун шароитлар яратиш;

тўртинчидан, энергия тежамкорлик ва иқтисодиётнинг энергия сарфини камайтириш соҳасида давлат сиёсатини юритиш, иқтисодиёт тармоқлари ва маиший секторда ресурс ва энергия тежовчи илғор технологияларни жорий этишни рағбатлантириш, муқобил энергия манбаларини кенг ривожлантириш;

бешинчидан, энергетика тармоғи корхоналарида технологик жараёнларни автоматлаштиришнинг замонавий воситаларини, энергия ресурсларини қазиб олиш, етказиб бериш ва истеъмол қилиш ҳажмларини ҳисобга олиш тизимларини кенг татбиқ қилиш;

олтинчидан, тармоқ корхоналарини бошқариш тизимини, уларнинг тузилмалари ва бўлинмаларини мақбуллаштириш, ишларни ташкил қилишнинг аниқ натижаларга эришишга қаратилган замонавий усуллари ва мақсадли индикаторларни (сифат менежменти, индикатив режалаштириш) жорий этиш.

Электр энергетика тармоғининг ишончли фаолият юритишини таъминламасдан туриб иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат ҳудудларининг саноат салоҳиятини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда электр энергетика тармоғида рақобат муҳитини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш электр энергиясини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш соҳасидаги фаолиятнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сонли “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисидаги” қарори қабул қилинди[4]. Мазкур қарорга кўра, “Ўзбекэнерго” АЖ тугатилиб, ўрнига “Иссиқлик электр станцияси” АЖ, “Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари” АЖ ва “Худудий электр тармоқлари” АЖ лари ташкил этилди.

Электр энергетика тармоғида охириги йилларда давлат томонидан кенг кўламли таркибий ислоҳотлар олиб борилмоқда. Шу билан бир қаторда тармоқда хорижий инвестициялар ва капитал қўйилма киритиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Республикамиз электр энергетика соҳалари олиб борилган ислоҳотлар бўйича Н.Юсупова[5], Л.А.Соколова[6], С.Н.Успенская[7], А.Г.Нуриддинова[8], Д.Музаффаров[9] каби олимлари ўз илмий тадқиқотлари олиб боришган. Уларни аксарият илмий тадқиқот ишлари электр энергетика тармоғидаги муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган.

Маълумки, энергетика соҳасидаги иқтисодий самарадорликнинг ошиши тарихан монопол тузилмалар ёрдамида амалга оширилган, шу боисдан, мавжуд тарифлар ягона вертикал тарзда белгилаб келинган. Шунингдек, энергетика корхоналарининг асосий ишлаб чиқариш воситалари сезиларли даражада эскирган. Бу ҳолатни янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш учун капитал қўйилмаларни жалб этишни тақозо қилади[10].

Ривожланаётган давлатлар саноатлашгани сари, уларнинг ишончли электр энергия таъминотидан фойдаланиш даражаси ошиб боради. Ривожланиш жараёни кузатилаётган мамлакатларда эса энергиядан фойдаланиш тобора кучайиб боради, чунки даромад манбаининг ошиши ўрта синфнинг ривожланиши ва натижада турмуш тарзининг яхшиланишига бевосита боғлиқдир[11].

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларини таҳлил қилиш жараёнида “Республика энергетика мустақиллигига эришган тақдирдагина тўла мустақил бўла олади”[12] - деб, таъкидлаган эдилар.

Бу фикр ҳаётий ҳақиқат эканлиги амалда намоён бўлмоқда. Йирик ишлаб чиқариш ва илмий-техник салоҳиятга эга мамлакатимиз электр энергетикаси миллий иқтисодиётнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ҳамдўстлик давлатлари бўйича электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмининг 4 фоизи Ўзбекистон энергетика тизимининг зиммасига тушади[13]. Асосий

кўрсаткичлари бўйича мамлакатимиз ҳамдўстлик давлатлари орасида Россия, Украина ва Қозоғистондан кейин тўртинчи ўринда туради.

Республикада саноатни жадаллашиши ва аҳолининг ўсиши, амалдаги энергия истеъмоли натижасида иқтисодиётда энергетика ресурсларига талаб маълум даражада ўсганлиги ва иқтисодиёт секторини энергетикага боғлиқлиги кучайиши кутилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳозирги энергия истеъмол захираси ҳажмида, энергия ресурсларининг етишмовчилиги 65,4% гача ошади[14].

Электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича ер юзи мамлакатлари қуйидагича жойлашган: Жанубий Америка, Ғарбий Европа, Осиё, МДҲ мамлакатлари, Лотин Америкаси, Африка, Австралия. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда умумий электр энергиясининг 80 фоизини ишлаб чиқарса, ривожланаётган мамлакатлар эса 20 фоизни ташкил қилади[15].

Республикамизда электр ва иссиқлик ишлаб чиқарувчи ИЭСларда бирламчи энергоресурслар тизимида газли иссиқлик 86 фоизни, мазут қарийб 9 фоизни, кўмир 5 фоизни ташкил қилади. Электр станциялари бўйича қуйидагича тақсимланган: ИЭС 86 фоиз, ГЭС 11,5 фоизни, блокстанция 2,5 фоизни ташкил қилади. Иссиқлик электр станцияларидаги асосий захира табиий газ бўлиб қолади ва иссиқлик балансида кўмирнинг ҳиссаси 10-15 фоиздан ошмайди.

Тадқиқот методологияси


Мақолада Республика электр энергетика тармоғида олиб борилган ислохотлар қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Электр энергияси салоҳиятини янада ошириш, истеъмолчиларни ишончли ва сифатли электр энергияси билан таъминлаш, тармоққа чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида республика электр энергетика тармоғидаги генерирлаш қувватларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, фаолият кўрсатаётган энергия берувчи объектларининг асосларини қайта тиклаш, ёқилғи - энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, электр энергия ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини жорий этиш, атроф - муҳитга кучли экологик таъсирни камайтириш каби масалаларга эътибор қаратиш лозим.

Электр энергиясини ишлаб чиқариш тармоғини Энергетика вазирлиги бошқаради. Мамлакатимиздаги асосий электр энергиясини “Иссиқлик электр станциялари” АЖ томонидан ишлаб чиқарилади ва “Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари” АЖ га узатиб бўлади. Бу жамият асосан ишлаб чиқарилган электр энергиясини магистрал линиялари орқали “Худудий электр тармоқлари” АЖ га етказиб беради 1-расм.

“Ўзбекэнерго” АЖ тарқатилиб юборилиб бугунги кунда манашу 3 та акционерлик жамияти томонидан электр энергияси ишлаб чиқарилиб ўз истеъмолчиларига етказиб берилади. Лекин бу ҳолат электр энергиясининг нархининг ошиши хизмат қилмоқда. Шу билан бир қаторда электр энергияси тармоғида пул тушумлари ва пул ўтказмаларида ҳам маълум ноқўлайликларни келтириб чиқармоқда.




1-расм. Электр энергиясини ишлаб чиқаришни бошқариш ва истеъмолчига етказиб бериш схемаси

Манба: муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилди.

Иқтисодиётнинг энергия сарфи ҳажми камайтириш электр энергетика сиёсатининг асосий вазифаси бўлиб, мазкур вазифанинг бажарилмаслиги энергетика соҳасининг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муқаррар равишда тўсқинлик қилишига олиб келади.

2012-2019-йилларда электр энергияси ишлаб чиқаришда йилига ўртача 2,6 фоиз миқдорда ўсиш кузатилди. Бироқ электр энергиясига бўлган талаб тўлиқ қондирилмади, тақчиллик талабнинг 9,4 фоизини ташкил этди.



2-расм. 2012-2019 йиллардаги электр энергияси ишлаб чиқариш ва унга бўлган талабнинг ҳақиқий динамикаси

Манба: 2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепциясида келтирилган маълумотлар

2-расмда келтирилган маълумотга қарайдиган бўлсак, ҳар бир йилда электр энергиясини ишлаб чиқариш натижасига қараганда доим электр энергиясига бўлган юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Натижа шуни кўрсатадики, истеъмол талаби доимо ошиб бормоқда. Демак республикада электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича қўшимча имкониятлар яратилиши керак. Бунинг учун хусусий шерикчилик ёки хорижий инвесторларни жалб қилишга қаратилган чора-тадбирларни кўчайтиришимиз керак бўлади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясини асосан табиий газ, нефт ва газ конденсати, кўмир ва сувдан фойдаланган ҳолда олинади. Шундан асосий қисмини табиий газ ташкил қилади, бу эса ишлаб чиқаридиган электр энергиясини таннархи қимматлашига олиб келади. Буни жадвалда келтирилган маълумотлар орқали ҳам кўришимиз мумкин. Аҳоли жон бошига бирламчи ёқилғи-энегетика ресурслари ўлчов бирлиги сифатида т.н.э. эквивалентликда кўрсатиб ўтилди.

1-жадвал.

Аҳоли жон бошига бирламчи ёқилғи-энегетика ресурслари (т.н.э.)

	2000 <i>йил</i>	2005 <i>йил</i>	2010 <i>йил</i>	2015 <i>йил</i>	2016 <i>йил</i>	2017 <i>йил</i>	2018 <i>йил</i>	2019 <i>йил</i>
Республика бўйича	2,2	2,2	2,1	1,6	1,6	1,6	1,7	1,6
<i>шундан:</i>								
<i>Нефт ва газ конденсати</i>	0,3	0,2	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
<i>Табиий газ</i>	1,9	1,9	1,9	1,4	1,4	1,4	1,5	1,5
<i>Кўмир</i>	0,03	0,03	0,03	0,03	0,03	0,03	0,04	0,03
<i>Гидро электро энергия</i>	0,01	0,03	0,02	0,02	0,02	0,02	0,02	0,02

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

1-жадвалдаги маълумотлардан кўринадиги, республикадаги асосий электр энергиясини ишлаб чиқарувчи станцияларимиз табиий газга ихтисослаштирилган, жуда кам қисмидаги станциялар кўмирга ишлайди. Сувдан фойдаланган ҳолда электр энергиясини ишлаб чиқариш станциялари ҳаммамизга маълумки мавсумий ҳолда фаолият юритади, асосан йилнинг ёз ойларида электр энергиясини ишлаб чиқариши мумкин.

Ишлаб чиқарилган электр энергиясининг иқтисодий фаолият турлари бўйича соҳалар тақсимотига эътибор қаратадиган бўлсак, буни 2-жадвалда кўришимиз мумкин.

Биринчи ўринда саноат тармоғини кўришимиз мумкин бўлади, шу билан бир қаторда, саноат тармоғи кенг кўп 2017 йил 22298,4 млн.кВт.соат электр энергиясини истеъмол қилган. Иккинчи ўринда аҳоли томонидан истеъмол қилинган, бунда 2018 йил 13593,8 млн.кВт.соатни ташкил қилмоқда. Бундан кўриладики, охириги йилларда республикада кўплаб уй-жойларнинг қурилиши ва аҳоли сонинг ошиши ҳамда аҳолининг яхши яшашга бўлган эҳтиёжи ошиб бормоқда. Энг кам миқдордаги электр энергиясини қурилиш тармоғи истеъмол қилмоқда, лекин йилдан-йилга бу кўрсаткич ҳам ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин, яъни 2001 йилда 129,8 млн.кВт.соатни

ташкил қилган бўлса, 2018 йил ва 2019 йилларда 414,8 млн.кВт.соатни, қариб 3 баравар кўп миқтордаги электр энергияси истеъмол қилинмоқда.

2-жадвал

Саҳалар бўйича электр энергия истеъмоли (млн. кВт.с)

	2001 й	2005 й	2010	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й
жами	48454,8	47384,2	50807,7	56368,6	57605,2	60180,8	62502,8	64844,0
<i>Иқтисодий фаолият турлари бўйича</i>								
<i>Саноатда</i>	18791,2	17897,2	18117,7	20811,4	21035,8	22298,4	15007,1	16967,3
<i>Қурилишда</i>	129,8	164,8	199,0	341,3	360,7	325,0	414,8	414,8
<i>Қишлоқ хўжалигида</i>	14753,9	13693,4	8607,4	9031,2	9502,3	9683,9	18053,9	15058,0
<i>Транспорт</i>	1226,3	1372,6	1207,9	1166,3	1165,9	1222,2	1474,6	2115,0
<i>Тижорат корхоналари ва давлат корхоналари</i>	1783,7	1551,8	2243,3	3451,6	5242,3	4040,6	4970,9	4970,9
<i>Аҳолига</i>	4411,3	4652,7	11449,3	12548,7	11195,7	12779,8	13593,8	13478,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, ҳозирги вақтда Ўзбекистон электр энергетика тизими жуда қийин ҳолатда фаолият олиб бормоқда, сабаби йилдан йилга мамлакат иқтисодий ривожланиш йўлида катта қадамлар ташламоқда. Аҳолининг турмуш тарзи ҳам ошиб бормоқда, бунинг учун эса қўшимча электр энергияга бўлган талаб ошмоқда. Республика электр энергиясини ишлаб чиқариш тармоғининг умумий муаммоларига қўйидаларни келтириб ўтишимиз мумкин:

- энергетика соҳасига Ўзбекистон иқтисодиётининг донори сифатидаги муносабат ҳозиргача сақланиб қолмоқда;

- электр энергиясини ишлаб чиқариш тармоғида кадрлар салоҳиятини пастлиги, асосан ўрта бўғин мутахасислари ташкил этмоқда;

- электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнини ташкил этишда бошқарув харажатларининг ошганлиги;

- ишлаб чиқариш ҳамда электр ва иссиқлик энергияси харажатларини қоплашни, асосий ишлаб чиқариш фондларини тиклаш ва ривожлантиришни таъминламайдиган қаттиқ тариф сиёсати олиб борилмоқда. Тарифларни тартибга солиш кўп ҳолларда иқтисодий тамойилларига эмас, балки бозор ҳолатига боғлиқ бўлиб қолмоқда;

- давлат бюджети томонидан молиялаштириладиган айрим тармоқларда қарзлар тўпланиб қолмоқда ва ўсишда давом этмоқда. Бу эса тўлолмаслик инқирозини вужудга келтириб, энергетика корхоналарида айланма маблағларнинг етишмаслигига олиб келмоқда ва уларнинг молиявий барқарорлигини анча пасайтирмоқда;

- электр энергетикаси корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишни рағбатлантирмайдиган амал қилиш харажатли механизми ҳамон сақланиб турибди;

- электр энергетикаси корхоналарини бошқариш самарали таркибини шакллантириш ҳали замонавий стандартлар бўйича яқунлангани йўқ.

Хулоса

Электр энергияси тизимини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш механизмнинг сақланиб қолинаётганлиги натижасида, инвестициялар ҳажмининг мунтазам равишда пасайишига олиб келмоқда. Электр энергетикаси ускуналарининг жадаллашган эскириши давом этмоқда. Электр станциялари эга бўлган қувватларнинг пасайиш тенденциясининг сақланиб қолаётганлиги ҳатто қисқа муддатли истиқболда ҳам электр энергиясига ўсиб бораётган талабни қондириб бўлмаслигига олиб келиши мумкин.

Республика иссиқлик энергетикаси олдида турган ҳамда катта молиявий ва моддий харажатларни талаб қиладиган асосий муаммолар орасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- эскирган ускуналарни реконструкциялаш ва модернизациялаш, техник қайта қуроллантиришни ўтказиш;
- газ турбинали ва буғ газли қурилмаларни қўллаш орқали электр энергиясини ишлаб чиқариш самарали замонавий технологиялардан фойдаланиш;
- хусусий шериклик ёки хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда электр энергиясини ишлаб чиқариш ва сотиш бозорида замонавий рақобат муҳитини шакллантириш;
- иссиқлик электр станцияларининг атроф - муҳитга зарарли таъсирини камайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Хабар.uz 22 декабрь 2017 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони. <http://strategy.regulation.gov.uz/uz>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5646-сонли “Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармони <https://www.lex.uz/docs/4188798>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сонли “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисидаги” қарори. <https://lex.uz/docs/4257083>
5. Н.Юсупова Реформирование электроэнергетики. // “Бозор, пул ва кредит” № 2. 2008. С.44-48.
6. Л.Соколова ва бошқалар. Экономические аспекты регулирования водно-энергетического баланса реки Сырдарья. // Энерго и ресурсосбережения, 2005, №1, с.131-138.
7. С.Успенская Экономические проблемы реорганизации управления электроэнергетикой Узбекистана. // Международная научно-техническая конференция «Современное состояние и перспективы развития энергетики», 2006г., Ташкент, 313-314.

8. А.Нуриддинова Организация инновационной деятельности в электроэнергетике Узбекистана. // Материалы конференции VII Международного Форума «Высокие технологии XXI века» 2006 г. Москва., 351-352 с.
9. Д.Музаффаров Развитие энергетического сектора Узбекистана в условиях переходной экономики. // Экономическое обозрения, июль 2004. с.21-25.
10. Н.Хасанова Энергетика соҳасида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва рақобат бозорини ривожлантириш масалалари. Жамият ва бошқарув журнали. №3 (89) 2020 йил.
11. М.Хайдарова Ўзбекистонда энергетика соҳасидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.// Иқтисодиёт ва инновацион технология илмий электрон журнали. 2021 йил 1-сон.
12. И.Каримов. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз. // “Халқ сўзи”. 15 февраль 2002 й.
13. А.Маҳкамова Нур мамлакати. // Мулкдор гезетаси. 6 январь. 2006 й.
14. К.Шадиметов Ўзбекистонда биоэнергетиканинг инновацион ривожланиши. Қўлланма Т.:2020 й.
15. Т.Мажидов Ноанаъвий ва қайта тикланувчи энергия манбалари. Дарслик Т.: 2016 й.